

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan 2019-yil 7-noyabr, payshanba 63 (9030)-son web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ШХТ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкентда 6 ноябрь куни ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (ШХТ МАТТ) еттинчи халқаро илмий-амалий конференцияси ўз ишینی бошлади.

Тадбирда ШХТга аъзо мамлакатлар ваколатли органлари, кузатувчи ҳамда мулоқот бўйича шерик давлатлар, шунингдек, БМТ, МДХ, ЕХХТ ва Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) каби нуфузли халқаро тузилмалар вакиллари иштирок этди.

ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори Жумахон Ғиёсов, ШХТ Бош котиби ўринбосари Се Сяоюн, мамлакатимизнинг ШХТ ишлари бўйича миллий мувофиқлаштирувчиси Раҳматулла Нуриимбетов ва бошқалар мазкур конференцияда иштирок этиш истагида бўлган ҳамкор мамлакатлар ва ташкилотлар сони ортиб бораётгани, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббуслари бунда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ўз ишینی ташкилотга аъзо давлатлар ваколатли органларига терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда кўмаклашиш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш асосида ташкил этиб келмоқда.

Тузилма терроризмга қарши курашда халқаро интилишларни бирлаштириш, шу орқали жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга интилади. Кенг миқёсдаги аксилтеррор тизимини яратишда тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, ишчил ва мустаҳкам алоқаларни ўрнатилиши мақсад қилган.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг топширигига кўра, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси томонидан жорий йилда қатор келишувлар имзоланди. БМТ Хавфсизлик кенгашининг Терроризмга қарши кураш кўмитаси ижроия директори, Африка терроризмининг ўрганиш ва тадиқ қилиш маркази билан ҳамкорлик тўғрисида, МДХ АКСИЛТЕРРОР маркази ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти билан ўзаро англашув меморандумлари шулар жумласидан.

Анжуманда ШХТ худудида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича миллий тажриба масалаларига бағишланган шўъба мажлиси ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Эрон каби жами 15 давлатдан келган экспертлар маърузалари тинланди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

## Навоий вилояти Брифинг

Навоий шаҳридаги "Coworking" марказида "Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги"ни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасига асосан "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати вилоят бўлими томонидан сиёсий партиялар вакиллари иштирокида брифинг ўтказилди.

## Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги қандай ўтмоқда?

Маълумки, айни пайтда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – жорий йилнинг 22 декабрида бўлиб ўтадиган сайловларга пухта ҳозирлик қўришмоқда. Жорий йилнинг 20 октябрдан 20 ноябрга қадар эса сиёсий партиялар томонидан сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги ташкил этиляпти.

Брифингда сиёсий партия вакиллари сайлов тарғиботи бўйича амалга оширилаётган ишлар, ўтказилган тадбирлар ва келгуси режалар хусусида оммавий ахборот воситалари

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

## МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Ўзбекистон мева-сабзавот ишлаб чиқаришда улкан имкониятларга эга. Аҳоли фаровонлигини доимо ошириб боришда халқимиз турмуш тарзига энг яқин ва тез натижа берадиган йўналиш қишлоқ хўжалигида юқори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этишдир.

Мавжуд салоҳиятни тўлиқ ишга солиш, шунга яраша катта даромад олиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳа юқори шиддат билан ислоҳ қилинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликларига бошқарув тизимини яхшилаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигида кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардор ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шунга қарамасдан, жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этган

бир пайтда, бизнинг улушимиз бир фоизга ҳам етмаяпти.

Йиғилишда қайд этилганидек, келгуси йилда мева-сабзавот экспортини 2,5 миллиард долларга, кейинги уч йилда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш имкониятлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбари бунга эришиш учун экин ва навларни тўғри танлаш, ҳосилдорлик ва даромадни камида икки-уч баробар ошириш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш, маҳсулотларни сақлаш, логистика масалалари, экспортни тўғри ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда жаҳон бозорида гилос, ўрик, олхўри, анор, узум, бодом, цитрус мевалари каби маҳсулотларга талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушунининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда бундай мевазорлар, айниқса, интенсив боғлар етарлича ташкил этилмаётгани, боғ ва тоқзорлар ярқисиз ҳолатга келиб қолгани сабабли уларнинг иқтисодий самарадорлиги ўта паст даражада қолаётгани, қатор туманларда минглаб гектар эски боғлар йиллар давомида ҳосил бермаётгани танқид қилинди. Ханузгача "маҳсулот етиштириш

– харид қилиш – сақлаш ва қайта ишлаш – экспорт" занжирини ташкил этадиган кооперация тизими жорий қилинмаган.

Яна бир салбий ҳолат узумчиликни ривожлантиришда виночилик корхоналарининг ўрни сезилмаётгани билан боғлиқ.

– Бу каби муаммолар таъсирида мамлакатимизда маҳсулотларни йиғиштириш ва сақлашдаги йўқотишлар ҳажми 30 фоиздан камаймаяпти, – деди Президент. – Яъни, олинган мева нобуд бўлиб, тупроққа қорилмоқда. Бундай шароитда қандай янги боғ ва тоқзорлар ҳақида гапириш мумкин?

Қайд этилганидек, бир қатор туманлар пахта етиштиришни қисқартириб, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Афсуски, ушбу йўналишда ҳам ишлар қониқарли даражада деб бўлмади.

Селекция борасида илмий тадиқотлар етарлича йўлга қўйилмагани боис мамлакатимиз уруғликни импорт қилишга мажбур бўлмоқда.

– Минерал ўғитлар таъминоти, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш ишлари тизимли ташкил этилмагани ҳам деҳқоннинг ортиқча овора

бўлишига олиб келмоқда, ҳосилдорликни оширишга салбий таъсир қилмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бир сўз билан айтганда, соҳада ечимини топиш лозим бўлган масалалар талайгина. Шунинг учун эскирган тизимдан бутунлай воз кечиш, мутлақо янги улуксиз занжирни, яъни кооперация ва кластер тизимини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бундай йўл жаҳон тажрибасида ўзининг самарадорлигини исботлаган. Кластернинг жорий этилиши соҳада юқори натижаларга эришилаётганини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистонда бир неча йирик экспортёр кластер ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат занжирини яратиш ва даромадни ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни аниқ бозор, аниқ молиявий манба билан ишлайдиган тадбиркорга бириктириш лозимлигини таъкидлади.

Хорижий мутахассислар кўмагида ташкил этилган Сурхондарё тажрибаси асосида 55 та туманни экспортбоп муайян маҳсулотлар турини етиштиришга ихтисослаштириш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, ҳар бир вилоят ва туман ҳокими кластерлар билан мева-сабзавотни тўғри жойлаштиришга, агротехник тадбирлар ўтказилишига, етиштирилган маҳсулотнинг экспортёр ёки қайта ишловчига тўлиқ етказилишига шахсан жавобгарлиги белгиланди.

Молия вазирлигига янги тизим асосида экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантириш бўйича молиялаштириш юзасидан тақлиф киритиш топширилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## УЛУҒ ИНСОНЛАР ДОИМО БАРҲАЁТ

Жиззахда атоқли давлат шарофи ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 102 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.



Шароф Рашидовнинг Жиззах шаҳридаги ҳайкали пойига Жиззах шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, олим ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими тизимидаги муассас

салар вакиллари, фахрийлар томонидан гулчамбарлар қўйилди.

Шароф Рашидовнинг Жиззах шаҳридаги уй-музейида адиб хотирасига бағишланган маърифий тадбир ўтказилди.

Шароф Рашидовнинг қизи, Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси Сайёра Рашидова, қариндошлари, музей илмий ходимлари, фахрийлар томонидан улуг инсоннинг Ватанимиз олдидаги хизматлари ёдга олинди.

– Президентимиз ташаббуси билан йиғилган асрнинг буюк давлат ва жамоат арбоби Ш.Рашидовнинг ҳаёт ва фаолияти чуқур ўрганилмоқда, – деди Жиззах шаҳридаги 10-умумтаълим

мактаби директори Тўлқин Юнусов. – Бу инсоннинг Ватанимиз олдидаги хизматларини ёдга олиш, юртимиз улуг инсонларининг ибратли ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганиш халқимизни, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётир. Бу зот яна Ватанимиз тарихидан, халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олмоқда.

Шароф Рашидов таваллудининг 102 йиллигига бағишланган маърифий-маданий тадбирлар вилоятдаги бошқа таълим муассасаларида ҳам ташкил этилди. Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

## Фарғона вилояти Фаоллик, билимдонлик – ютуқлар гаровидир

Фарғоналик пахтакорларнинг республикада биринчи бўлиб пахта етиштириш бўйича шартномани удаллашида "Фарғонаагрокимёҳимоя" ҲАЖ жамоасининг ҳам муносиб хизмати бор.

Чунки ер илми, ўсимликлар олами билимдонлари саналган мутахассислар йил бўйи тиним билмай меҳнат қилишди, ерни экин экишга тайёрлашдан тортиб, тупроққа чигитни қадаш, гўза парваришию ниҳолларни турли хасталик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш жараёниларида деҳқонларга елкадош бўлишди. Бу ҳақда "Фарғонаагрокимёҳимоя" ҲАЖ раҳбари Кароматхон Маматова билан суҳбатлашдик.

– Бугун фермерни пахтаю галладан кўпроқ ва сифатли ҳосил етиштириш қизиқтиради, соҳибқору боғбон ё томорқасига нимадир эккан кишининг ҳам мақсади шу. Кўпроқ фойда олиш. Илмга таянмасдан, ҳашарот ё касалликнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганмасдан, ўсимликлар ҳолатини доимо кузатмасдан ниятга эришиб бўлмайди, – дейди Кароматхон Маматова.

(Давоми 2-саҳифада)

Серқуёш диёрида етиштирилаётган сархил мева-сабзавотлар ўзининг витаминга бойлигига қўшдан нур эмиб, ширага тўлиши билан ажралиб туради. Деҳқон ва боғбонлар маҳсулотни етиштириверади, аммо уни сотиш масаласи эса ҳали ҳам тўлиқ ечимини топгани йўқ. Маҳсулот етилган пайтда бозор тўйиниб, нархлар тушиб кетади, экспорт қилиш ҳам хамирдан қил суғуришдек юмуш эмас. Шу боис, миришқорнинг касаси оқармай қолаверади.

## Кооперацияга бирлашган фермернинг ер майдони мақбуллаштирилмайдими?

Бу борадаги муаммоларни бартаф қилиш мақсадида юртимизда амалий ишлар бошланган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперацияни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилганлиги фикримизга мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузури-

(Давоми 2-саҳифада)

## Пахта-2019

## Юксак ишонч кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди

Муҳтарам Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида биз, наманганликларга катта ишонч билдириб, яхши ният ила 2019 йил Наманган йили бўлишини тилак қилган эдилар. Бундан ишончга сазовор бўлиш ва уни амалда оқлаш учун Наманган аҳли жипслашиб, мардонавор меҳнат қилди. Барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик янада ривож топди. Иссиқхоналар ташкил этиш, томорқалардан унумли фойдаланиш борасида мавжуд имконияتلардан самарали фойдаланилди. Экспортбоп маҳсулотлар ҳажми қарийб икки бараварга ошди. Пиллачилик, ғаллачиликда ҳам улкан хирмон бунёд этилди. Пахтачиликда ҳам залворли одимлар ташланди. Маҳаллий шароитга мос пахта

навларининг уруғи ҳар йилгидан анча барвақт экилди. Кластер тизими ўз самарасини кўрсатди. Ёниги, ўғит, техника таъминоти ва назорати яхши йўлга қўйилди. Судан тежаб фойдаланилди. Қатор фермер хўжаликларидан томчилатиб суғориш тизими ишга туширилди ва амалда ўзини оқлади. Ҳашарот ва зараркунандаларга қарши ўз вақтида биологик усулда курашилди, минерал ўғитларнинг талон-торож қилинишига чек қўйилиб, дала-ларга солинишига эришилди. Натижада мавжуд майдонларда ҳар қачонгидан-да мўл-кўл ҳосил

етиштирилди. Пахта йиғим-терими мавсуми ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. Мавжуд секторлар ҳудудларида 1516 та отрядга бириктирилган 133 минг 192 нафар кишининг самарали меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратиб берилди, 13 та замонавий терим машинасининг ҳар бири билан мавсумда 550-600 тоннадан ошириб пахта териб олишга муваффақ бўлинди. Шу кунгача мавжуд 63 минг 406 гектар майдондан 192 минг 500 тоннадан ошириб хирмон кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш шартномавий режани шаф



билан удалади. Эришилган галабада Мингбулоқ, Чуст, Поп, Наманган, Чортоқ, Учқўрғон туманларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklarининг ҳиссаси катта бўлди.

Анваржон ҲАКИМОВ, Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

## МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил қилинаётган кооперациялар негизда 1 гектардан 5 гектаргача ижара асосида ер ажратиб берилди. Янги боғ ва тоқзорларни барпо этишга "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида 1 триллион сўм йўналтирилади.

Кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида Фарғона водийсининг 22 та туманида 31 та намунавий кооперация ташкил қилинади. Ҳар бир кооперацияга камида 50 нафардан ишсиз фуқаро аъзоликка қабул қилиниб, уларга фойдаланилмаётган ерлар, субсидиялар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Халқаро ҳамда маҳаллий молия ташкилотларидан маблағлар жалб этиш орқали гилос, ўрик, анор, шафтоли, олхўри, ёнғоқ каби меваларга ихтисослашган янги замонавий боғлар ташкил қилиш ҳисобига ҳосилдорликни кескин ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, экспортбоп узумзорлар ташкил этиш юзасидан "манзилли дастур" тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Озиқ-овқат ва спиртли ичимликлар sanoatida замонавий бошқарув тизимини жорий этиш,

ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш, маркетинг ва инновацияни кенг қўллаган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар асортиментини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, янги бозорлар толишга қаратилган янги тизим ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз боғдорчилик ривожини учун, аввало, кўчат зарурлиги, шунинг учун ҳар йили 20 миллион туп кўчат етиштиришни йўлга қўйиш ва экспорт қилиш имконияти борлигини қайд этди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига манфаатдор ташкилотлар билан бирга келаси йили ўрик, гилос, шафтоли, хўраки ва sanoatiboп узум, анор, ёнғоқ, бодом кўчатлари етиштириш плантациялари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Маҳмуд Мирзаев номидagi Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг худудий участкаларида "ин-витро" лабораториялари ташкил этиш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Интенсив кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисmini фермерларга субсидия сифатида қўлаб бериш, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб "соғломлик" сертификатига эга

бўлмаган кўчатларни юртимизга олиб келиш ва экинни тўхтатиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қоплаш ва экспорт ҳажмини ошириш учун мева-сабзавот етиштиришни йилига 8-10 фоизга кўпайтириш ва қўшимча 1 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш зарур. Шу боис Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига 2020 йилда қайта фойдаланишга киритилган 77 миң гектар майдонга озиқ-овқат экинлари, эртаги маҳсулот етиштириш учун 200 миң гектарда тўқсонбости усулида сабзавот экинлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ўсимликларга кимёвий ишлов бериш ва зараркундаларга қарши курашиш ҳам муҳим масалалардан. Президент Шавкат Мирзиёев бунинг учун ихтисослашган туманларда минерал ўғитлар дўконлари ташкил этиш, фермерлар ва аҳоли томорқасига шу борада хизмат кўрсатиш тизимини яратиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда айтилган чора-тадбирлар ижросини самарали ташкил этиш учун ҳар бир йўналишга мутасадди раҳбарлар масъул этиб белгиланди.

ЎЗА

**Ўзсаноатқури-  
лишбанк томонидан  
банк-молия хизмат-  
лари этиб бормаган  
шаҳар марказларидан  
олисдаги қишлоқ ва  
овуларда ҳам за-  
монавий тизимда  
хизмат кўрсатишни  
ташкил этиш иш-  
лари фаол олиб борил-  
моқда.**

Кўқонда

**Ўзсаноатқурилишбанкнинг  
Банк хизматлари маркази  
иш бошлади**

Хусусан, замонавий ёндашувлар асосида барпо этилиб, аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган Банк хизматлари марказининг навбатдагиси Кўқон шаҳрида ишга туширилди. Марказ илгор коммуникация воситалари ҳамда замонавий мейнлар билан жиҳозланган. Уларда малакали банк ходимлари юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк ва консалтинг хизматларини кўрсатади. Ҳисобрақам очиб, кредит олиш учун ариза бериш, онлайн омонатни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмалари марказдаги хизматлар сирасига кирди. Марказда 24/7 режимида фаолият кўрсатувчи замонавий банкومات ва инфоюклар эса худуд аҳолиси ҳамда меҳмонларига ҳафтанинг исталган кунини, исталган вақтда миллий ва халқаро пластик карта-ларидаги маблағларини нақдлаштириш, коммуна, уяли алоқа операторлари, шаҳар телефонлари, кабель телевидениеси, интернет хизмати учун тўловларни амалга оширишлариға қулай шароит яратди.

Шундай қилиб, Ўзсаноатқурилишбанк тизимида банк хизматлари истеъмолчилари манфаатларини тула қаноатлантириб, уларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатувчи Банк хизматлари маркази 27 тага етди.

Банк Ахборот хизмати

## Кооперацияга бирлашган фермернинг ер майдони мақбуллаштирилмайдими?

(Боши 1-саҳифада)

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакиллари ва вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги кооперациялар масъуллари иштирок этган тадбирда асосий эътибор мазкур ҳужжат асосида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар ва тизимдаги муаммоларни ҳал этиш борасида қилинаётган ишларга қаратилди.

– Ушбу қарор бўйича тажриба синов тариқасида Жиззах вилоятининг Зомин, Ғаллаорол туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунгур ва Урганч туманлари, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Паркент туманлари, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Кува туманларида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишида қишлоқ хўжалиги бирлашмаси ташкил этилди, – дейди Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Насриддин Нажимов. – Бирлашмаларга қарийб 27 миң гектардан ортиқ майдонда фаолият юритувчи 1 миң 128 та фермер хўжалиги, 22 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи, 29 та экспортёр, 10 та тайёрлов корхоналари ва 3 та бошқа ташкилотлар жами 1192 та субъект ихтиёрий аъзо бўлган. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва аъзолари ихтиёрида 24,4 миң тонна сифимли музлаткичи омборхоналар, 20,3 миң тонна мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватлари, 1,9 миң тонна маҳсулотларни қадоқлаш имконига эга цехлар, 600 тонна қувватга эга мева-сабзавотни саралаш шохобчалари, махсус юк ташиш транспортлари ва қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд.

– Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Аграр тадбиркорлик, агрокластерлар, хўжалик бирлашмалари ва давлат хусусий шерикчилигини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдулло Йўлдошовнинг маълум қилишича, худудлардаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари томонидан 63,9 миң тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан қиймати 2 миллион 96 миң долларлик 3,3 миң тоннадан ортиқ маҳсулот экспорт қилинган. Тизимни янада такомиллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мунтазам халқаро экспертларни жалб этган ҳолда қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ходимлари ва уларнинг аъзолари бўлган фермер хўжалиқларининг кооперация муносабатлари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш юзасидан ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг Тошкентдаги ваколатхонаси билан биргаликда ташкил этилган "Кооперативларни бошқариш тамойиллари" мавзусида ўқув-семинарларда Жиззах ва Фарғона вилоятлари қишлоқ хўжалиги бирлашмалари раҳбарлари, вазирликнинг худудий бўлиmlаридаги аграр тадбиркорлик, агрокластерлар ва хўжалик бирлашмаларини ривожлантиришга масъул бўлган ходимлари фаол қатнашган. Бундан қўзланган мақсад бу соҳада хориз тажрибасини ўрганиб, муаммоларни тизимли бартараф қилишдир.

Тадбирда қатнашган Фарғона вилоятининг Кува туманидаги "Qubbo fruit export" қишлоқ хўжалиги бирлашмаси раҳбари Ғайратжон Мамадалиев октябрь ойи якунига қадар 1 миллион 331,4 миң долларга тенг мева-сабзавот маҳсулотини экспорт қилганини маълум қилиб, кўрсаткич ўтган йилги натижадан анча яхши эканлигини айтди.

– Бугунги кунда бирлашмамизга 15 та фермер хўжалиги аъзо сифатида қабул қилинган. Улар билан ҳамкорликда ички ва ташқи бозор эҳтиёжига қараб маҳсулот етказмоқдамиз. Худудимиз 182,2 гектар бўлиб сув етишмовчилиги сезилади. Шуни ҳисобга олиб, келгусида боғдорчилик ва деҳқончиликда томчилатиб суғориш технологиясини кенгроқ қўллашни мақсад қилганмиз. Аммо бунинг учун катта маблағ керак, – дейди Ғайратжон Мамадалиев.

Очилини айтиш керак, мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперацияси тўғрисида ҳали оммага яхши тушунча берилмаган. Кўпчилик кооперация деганда яна эски колхозлар ташкил қилинар экан, деган тушунчага эга. Кооперацияга киришаётган фермерларнинг айримлари эса Президентимизнинг "Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланганидек, кооперацияга аъзо фермерларнинг ер майдонлари мақбуллаштирилмаслиги учунгина аъзо бўлмоқда. Ҳужжатни қабул қилишдан, унда берилган имтиёزلардан қўзланган асосий мақсад, қишлоқ хўжалигида сифатли, харидорғир маҳсулот етиштириш ва уни экспорт қилишдир. Бунинг учун эски, самарасиз боғларнинг ўрнида янги, интенсив боғлар яратиш, сабзавотчиликда ерга сифатли уруғ экиб, бозордаги маҳсулот етиштиришимиз, лўнда қилиб айтганда, тупроқдан зар ундирмоғимиз даркор. Бугунги эришган ижобий натижалар эса мақтанга озилик қилади.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА ОЗИҚ- ОВҚАТ САНОАТИ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

**Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" миллий  
кўргазма мажмуасида 24-халқаро озиқ-овқат  
саноати, ресторани бизнеси ва қишлоқ хўжалиги  
кўргазмаси иш бошлади.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши "Ўзбекистон озиқ-овқат ҳолдинг компанияси", Ўзғамойсанот уюшмаси, Ошпазлар ва Меҳмонхоналар уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада 80 дан ортиқ компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Улар орасида Индонезия, Испания, Италия, Қо-

зогистон, Хитой, Корея Республикаси, Латвия, Польша, Россия, Тунис, Туркия, Украина, Шри-Ланка, ва албатта, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ишлаб чиқарувчилари бор.

Кўргазмада гўшт, сут, ёғ ва денгиз маҳсулотлари, мева-сабзавотлар, қандолат, қуритилган мевалар, ичимликлар, шакер, гуруч, ун, макарон, ярим тайёр ва шу каби бошқа озиқ-овқат саноати маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

Идиш, контейнер, қадоқлар,



Отабек МИРСАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

ресторан ва меҳмонхоналар учун маиший жиҳозлар, тозалаш хизматлари ва воситалари, иситиш ва совитиш ускуналари, иссиқхона, паррандачилик фермалари технологиялари, қишлоқ хўжалиги ўғитлари ҳамда ветеринария дори турлари ҳам кўргазма павильонларидан жой олган.

Кўргазмадан мақсад озиқ-овқат саноати ишлаб чиқарувчиларини

соҳанинг илгор тажрибаларидан хабардор қилиш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда гастрономик туризмни жадал ривожлантириш ва юртимизга сайёҳлар оқимини кўпайтиришдан иборатдир.

Кўргазма 8 ноябрга қадар давом этади.

Гулноза БОБОЕВА,  
ЎЗА мухбири.

## Фаоллик, билимдонлик – ютуқлар гаровидир

(Боши 1-саҳифада)

– Дунё тажрибасидан маълумки, ўсимликларда учрайдиган касаллик ё ҳашаротларга қарши ўз вақтида курашмаслик, бу борада энг мақбул йўлни танламаслик ҳосилни буткул йўқотишга ёки зарар кўришга олиб келади. Бутун бошли мамлакатлар иқтисоди миттигина кўринган ҳашаротнинг таъсирида ночорликка юз тутди. Шунинг учун иқлим шароити ғўза ва ғалла касалликлари, ҳашаротлари учун қулай бўлган вилоятимизда ҳар йили ўсимликлар ҳимоясига катта эътибор қаратилади. Масалан, ўтган йил биргина ғаллачилик соҳасида турли касалликларга қарши 111 миң гектар майдонга етадиган, ҳашаротларга қарши эса 61 миң 100 гектарга етадиган кимёвий воситалар захирасини август ойидаёқ яратиб қўйган эдик. Ўсимликлар вегетацияси даврида эса 132 миң гектардан ортиқ ғаллазорлардаги бегона ўтларга қарши кимёвий воситалар қўлланди. Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Она табиат, бизни ўраб турган борлиқ жуда мукамал яратилган. Буни изоҳлашга гоҳида ожиз қоласиз. Чунки бирор касаллик ё зараркунданнинг фаолиги, келиб чиқиши ва унга қарши кураш чораларини таҳлил этсангиз, бу офатга қарши табиатнинг ўзида тирик организмлар борлигини кўрасиз. Оптинкўз, трихogramма, бракон сингари йирикчи жониворлар ўсимликни ёб битиришга кўз тиккан зарарли ҳашаротларнинг кушандасидир. Шу боис, биз вилоятимиздаги 18 та биологический лабораториянинг ишини янада жонлантиришга астойдил киришдик. Натижада мавсум давомида 398 кг трихogramма, 111,5 миллион дона бракон ва 35,2 миллион донадан ортиқ оптинкўз ишлаб чиқаришга ва далаларга тарқатишга эришдик. Тажрибали мутахассисларимиз далам-дала юриб фермерга елкадош, ҳамфикр бўлиб фермон тутқичларнинг талаб даражасида қўйилишини назорат қилди. Ўр-

гимчаккана, кўсак қурти сингари офатларга қарши кураш борасида ҳам биологик кураш усулидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик. Чунки бу усул экологик тоза ва сифатли маҳсулот етиштиришнинг энг мақбул кафолатидир. Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Агрокимё тизими билан яқиндан ҳамкорлик қилган, ҳосилотлар маслаҳатига оғишмай амал қилган фермерларнинг пайкалларидидаги пахта ҳосилдорлиги гектарига 45 центнердан, ғалла ҳосилдорлиги 55-60 центнердан кам бўлмади. Ер унумдорлиги паст, қумоқ бўлган, насослар кўмагида сув ичадиган пайкалларда ҳам баракали ҳосил етиштирилди. Масалан, олтиариқлик фидойи деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола опа Муродованиннинг пайкалида комбайннинг бункери даланнинг у бошига етмасдан тўлиб қолаверди. Бу ўз-ўзиндан мутахассис билан фидойи деҳқон ҳамкорлигининг мевасидир.

Шу ўринда сўхбатдошимиз ҳақида икки оғиз сўз айтилик. Кароматхон Маматова ўзи танлаган касбга қаттиқ меҳр қўйган. 1980 йилларда эндигина институтни тугатиб келган шижоатли ёш мутахассис колхоз раисининг кўмаги билан Олтиариқда биринчи бўлиб биологический ташкил этади. Институтда ўқиганларини шу ерда, амалий жараёнда қўллади. Чунки олийгоҳда ҳам зуқко талаба бўлган, китоблардан бов кўтармаган, вақтини беҳуда совурмаган эди. Тез орада биологик усулни қўллаб, катта натижага эришаётган ғўзал аёлнинг сурати газета ва журналларнинг биринчи саҳифасини безайди. Сўнг Кароматхон телеэкранга чиқиб оптинкўз, бракон,



трихogramмаларни кўпайтириш, уларни зараркундалар учраган далага қандай шаклда жойлаштириш ҳақида тушунтириб беради. Шу тариқа қаҳрамонимиз фарғоналик деҳқону соҳибкорлар орасида энг билимдон аёл сифатида танилади. Йиллар шамолдек ўтиб боради ва ниҳоят Кароматхон ҳалол меҳнатлари ва ташаббускорлиги туфайли вилоятдаги йирик идора – "Фарғонаагрокимёҳимоя" ҲАЖга раҳбарликка лойиқ қўйилди. У айни пайтда жамоани аҳиллик билан янада самарали ишлашга ундамоқда. Шу йил кўламнинг тароватли кунини – 8 мартда, Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида латофатли опамиз фаолиги, гайратли ишлари билан Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Мўътабар аёл" унвонига сазовор бўлди. Бу хушxabар фарғоналик катта кичик қишлоқ хўжалиги ходимларини мамнун этди. Айниқса, шу тизимда ишлаётган кишилар "Кароматхон бундан-да катта мукофотларга лойиқ-да" дейишди.

– Камтар, меҳнат қилган

кишининг қадрига етадиган инсонлар, – дейди "Фарғонаагрокимёҳимоя" ҲАЖнинг Олтиариқ тумани филиали раҳбари Раҳматжон Иргашев. – Очиги, биз у кишидан бирор танбех эшитмайлик, деган хавотирда хатога йўл қўймасликка, барча топшириқларни ўз вақтида бажаришга интиламиз. Биласиз, олтиариқликлар миришкор бўлади. Томорқанинг ҳар қаричидан фойда қиришга интилган ва бунга эришаётган одамлар хизмати билан янада самарали ишлашга ундамоқда. Чунки уларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Туманимизда барча керакли воситаларга эга бўлган хусусий ўсимликлар клиникаси ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу ҳам опамизнинг хизмати. Очиғини айтишимиз керак, "Фарғонаагрокимёҳимоя" ҲАЖга Кароматхон Маматова бошлиқ бўлгач, биологик усулга бўлган эътибор янада кучайди. Буни кўпчилик эътироф этапти.

– Жорий йил вилоятимиз деҳқонлари учун омадли келди.

Ғаллачилик ва пахтачилик соҳасида катта ютуқларга эришилди. Бунинг энг асосий сабаби шуки, биз ўсимликлар ҳимояси масаласига вилоятимиз ҳокимияти ташаббуси билан уруғ ерга ташланмасданок киришган эдик, – дейди Кароматхон Маматова. – Вилоят ҳокими ҳар бир йиғилиш, ҳар бир анжуманда, кўргазмали семинарларда агрокимёҳимояга катта эътибор қаратиш лозимлигини, биологическийлар самарадорлигини ошириш кераклигини қайта-қайта таъкидлаб бордилар. Зараркундан учраган, касаллик сезилган далалардан мутахассислар қадами тийилмади. Талабчанликка яраша биз ҳам фаолиятимизни янада жонлантирдик. Натижада жорий йил мавсумда биологическийлар томонидан 1083 кг трихogramма, 398 млн. дона бракон, 565 млн. дона оптинкўз ишлаб чиқарилди ва далаларга қўйилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб бир ярим бараварга кўп демакдир. Қолаверса, ҳашаротлар билан кучли зарарланган баъзи далалар ва бегона ўтлар хаффи юқори бўлган пайкалларда ОВХлар кечая кундуз ишлатилди. Биз асосий эътиборни биологик усулга қаратган бўлсак-да, кимёвий усулда кураш масаласини ҳам унутиб қўйганимиз йўқ. Чунки мақсадимиз ўз фаолиятимиз билан қишлоқ хўжалиги тизимида маҳсулдорликни оширишга кўмакдош бўлиш, шу орқали мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу йўлда янада самарали ишлашга ҳаракат қиляверамиз.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

**“Ипотека-банк”нинг Хоразм филиалида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг амалиётга изчил жорий этилаётганлиги туфайли айни кундаги долзарб молиявий масалалар тезкор ечим топаётир. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, кўплаб янги ишчи ўринлари яратилди, кўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда.**



✓ Реклама ҳуқуқида

